

**"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятининг 2024 йил  
1-чорак давомида бизнес-режасини бажарилиши ҳамда жамиятда олиб  
борилган ишлар бўйича жамият бошқаруви раисининг  
Х И С О Б О Т И.**

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти 2024 йил 1-чорак давомида **48 млрд. 238 млн. 648 минг** сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда **47 млрд. 581 млн. 996 минг** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва режа **98,6** фоизга бажарилди.

Озуқали этил спирти ишлаб чиқариш режаси **275,0 минг** далл белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **276,9** минг даллга бажарилди ёки режага нисбатан **100,7** фоиз миқдорида ишлаб чиқарилди.

Жамият 2023 йил 1-чорак давомида спирт ишлаб чиқариш бўйича қувватлардан фойдаланиш коэффиценти **57,4** фоизни ташкил этди.

2024 йил 1-чорак давомида бизнес режада **1 млрд. 44 млн. 807 минг** сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда **3 млн. 50 млн. 66 минг** сўмни ташкил, этиб режага **2,9** баробарга бажарилган.

2023 йил 1 апрель ҳолатига, жамиятнинг тайёр маҳсулот омборида **169,61 минг** дал ёки **28 млрд. 327 млн. 242 минг** сўмлик тайёр маҳсулот қолдиғини ташкил этган.

2024 йил 1 апрель ҳолатига жамиятнинг Бюджет олдидаги қарздорлик **4 млрд. 191 млн. 214 минг** сўмни, ишчи-хизматчиларга меҳнат ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик **1 млрд. 149 млн. 055 минг** сўмни ташкил этди.

Жамиятда ишлаб чиқаришни узликсизлиги таъминлаш ва Республикамиз ички бозорида маҳсулотларимиз сифатида юзасидан негатив фикрларга чек қўйиш мақсадида Халқаро спирт ва алкоголь маҳсулотлари дегустация комиссиясининг ҳулосасига асосан 2023 йил февраль ойида танлов натижаларига кўра жамият томонидан тақдим этилган "Экстра", "Люкс" ва "Альфа" навли этил спирти юкори баҳоланиб, "Олтин" медаллари билан тақдирландилар.

Шу билан бирга, жамиятимизнинг харидорларига қулайлик яратиш, яъни сотиб олинган маҳсулотни ўз вақтида етказилишини таъминлаш мақсадида, жамиятга спиртовоз машиналари сотиб олинган.

Ишлаб чиқаришда ютуқлар бўлган каби бир қатор муаммолар ҳам мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тўғрисидаги ЎРҚ-891 сонли Қонуни 289 моддаси 2-қисмига асосан 2024 йилнинг 1 январдан акциз солиғи кўтарилиши натижасида жамиятда ишлаб чиқарилётган маҳсулотнинг қиймати ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб акциз солиғининг 5 (беш) баробар (14900сум/дал - 74500 сум/дал) (Солиқ Кодексининг 289<sup>2</sup>-моддаси) кўтарилган, 2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тўғрисидаги ЎРҚ-891 сонли Қонуни 289 моддаси

2-қисмига асосан 2024 йилнинг 1 январдан яна икки барабар 1 литр учун 14 900 сўм (1 дал учун 149 000 сўм) га кўтарилиши натижасида (2022 йилга нисбатан 10 баробарга, яъни 1 000 фоизга) истемол этил спиртининг нархи 130,5 фоизга ошган.

Бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солиқ кўмитасига ижобий ҳал қилинида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилинган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 20 феврал кунги 03/41-3-3881-сонли жавоб хати билан, мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинса, ўрнатилган тартибда маълум қилинишини маълум қилган.

Юқоридаги масала тизимдаги Алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонларга сальбий таъсир кўрсатган.

Натижада, сотув режаларини кесин пасайиб кетишига, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар омборда туриб қолишига, айланма маблағларининг танқисчиллигига сабаб бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда иқтисодий таназзулга олиб келиши ва 317 нафар ишчи ходимларни ишсиз қолиши эҳтимоли жуда юқори бўлиб қолмоқда.

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти бошқаруви юқорида қайд этилган яъни жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини барқарорлигини таъминлаш бўйича барча чораларни кўрмоқдалар.

**Эътиборларингиз учун раҳмат!**

**"Андижон биокимё заводи" АЖ  
бошқарув раиси Х.Юлдашев**